

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 9, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 9, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2026

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марксовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Худайкулов Тулқин Дўстобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариш давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Рашидов Ойбек Расулович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Расулов Абдуллажон Нуриддиневич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмутаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Хакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнура Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Ахмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллахжаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоков Бахтиёр Робиддинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети


Хасанова Нодира Ибрагимовна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти, Денов
тадбиркорлик ва педагогика институти

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

1. Dilnoza Ganiyevna Atadjanova JANUBIY XORAZM VOHASIGA QADIMGI AHOLI MIGRATSIYASI: ARXEOLOGIK VA TARIXIY MANBALAR TAHLILI.....	5
2. Anora Zayniddinovna Tog‘aeva TARIXIY ADABIYOTLARDA TURKISTONNING ROSSIYA IMPERIYASI BILAN SAVDO ALOQALARI XUSUSIDA.....	12
3. Sayfiddin Muxitdinovich Anarkulov SHAHAR MUHITIGA IJTIMOIIY-IQTISODIY MOSLASHUV JARAYONLARINING ANTROPOLOGIK TAHLILI.....	19
4. G‘ulom Masharipovich Djumamuratov, Muslima Maxmudovna Bazarova MARKAZIY OSIYO HUDUDI BO‘YLAB O‘ZBEK URUG‘LARINING JOYLASHUVI MANBALARDA.....	27
5. Farxodjon Odiljonovich Ismatullayev O‘ZBEKISTON–YEVROPA ITTIFOQI HAMKORLIGINING EVOLYUSIYASI VA ZAMONAVIY RIVOJLANISH TENDENSIYALARI.....	32
6. Нигора Рахимджанова ЖАДИД НОШИРЧИЛИГИНИНГ МАНБАШУНОСЛИГИ.....	40
7. Axmedjon Shonazarovich Yusupov ILK SAK QABILALARI MADANIYATI TARIXINI O‘RGANISHNING NAZARIY- METODOLOGIK ASOSLARI.....	49
8. Amirbek Tag‘bayev B.X. KARMISHEVA ASARLARIDA ANTROPONIMLAR MASALASI.....	55
9. Nodira Nabiyevna Safixodjayeva MUSTAQILLIK YILLARIDA “MEHRIBONLIK” UYLARIDA YARATILGAN MODDIY- TEXNIK SHAROITLAR.....	61
10. Ozodaxon Botirjon qizi Abdunosirova, Ruxshona Akramjon qizi Abduvoidova UBAYDULLAXON DAVRIDA BUXORO XONLIGIDA ME’MORCHILIK TARAQQIYOTI...69	69
11. Gulom Masharipovich Djumamuratov O‘ZBEK URUG‘LARI TARKIBIDAGI OROL O‘ZBEKLARI TAHLILI.....	74
12. Rabiyaon Mansurbekovna Ibragimova DING‘ILDJA DEHQONCHILIK VOHASI GEOGRAFIK XUSUSIYATLARINING TARIXIY TAHLILI.....	80



Нигора Рахимджанова

Фанлар академияси Тарих институти
катта илмий ходими, PhD
nigoramumtoz@gmail.com

ЖАДИД НОШИРЧИЛИГИНИНГ МАНБАШУНОСЛИГИ

For citation: Nigora Rakhimdzhanova. SOURCE STUDY OF JADID PRESS AND BOOK PUBLISHING. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 6.



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.21807275>

АННОТАЦИЯ

Мақолада XX аср бошларида Туркистон ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган жадид ноширчилиги манбашунослиги тадқиқ этилган. Мавзуга доир манбалар таснифланиб таҳлилга тортилган. Жадид даврий матбуотининг вужудга келиши, хусусий босмахоналарининг очилиши ҳамда турли дарслик ва асарларнинг чоп этилишига оид манбалар қиёсий ўрганилган. Хусусан, даврий матбуот, архив ҳужжатлари, жадид асарлари, хотиралари, турли музейлар ва уларда сақланувчи ёзма ва моддий ашёлар манба сифатида тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Жадид ноширчилиги, матбаа, тошбосма, дарслик, асарлар, даврий матбуот, манбалар, газета, журнал.

Нигора Рахимджанова,

Старший научный сотрудник
Института истории Академии наук
кандидат наук
nigoramumtoz@gmail.com

ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ ДЖАДИДСКОЙ ПРЕССЫ И КНИГОИЗДАНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье исследуется источниковедение издательской деятельности джадидов (прессы и книгоиздания), сыгравшей важную роль в общественно-политической и культурной жизни Туркестана в начале XX века. Источники по теме классифицированы и подвергнуты анализу. Проведено сравнительное изучение материалов, касающихся зарождения джадидской периодической печати, открытия частных типографий, а также издания различных учебников и трудов. В частности, в качестве первоисточников исследованы периодическая печать, архивные документы, произведения и воспоминания джадидов, а также письменные и вещественные памятники, хранящиеся в различных музеях.

Ключевые слова: Джадидское книгоиздание, полиграфия, литография, учебник, труды, периодическая печать, источники, газета, журнал.

Nigora Rakhimdzhanova,
Senior Researcher, Institute of History,
Academy of Sciences
PhD
nigoramumtoz@gmail.com

SOURCE STUDY OF JADID PRESS AND BOOK PUBLISHING

ABSTRACT

The article explores the source study of Jadid publishing, which played an important role in the socio-political and cultural life of Turkestan in the early 20th century. Sources related to the topic are classified and analyzed. A comparative study was conducted on materials concerning the emergence of the Jadid periodic press, the opening of private printing houses, and the publication of various textbooks and works. In particular, the periodic press, archival documents, works and memoirs of the Jadids, as well as written and material artifacts preserved in various museums, were investigated as primary sources.

Index Terms: Jadid publishing, printing, lithography, textbook, works, periodic press, sources, newspaper, journal.

1.Долзарблиги:

XIX аср охир- XX аср бошида Туркистон жамиятида шаклланган жади́дчилик миллий ҳаракати нафақат таълим тизимини ислоҳ қилиш, балки жамият онгини янгилаш, ўзликни англаш ва замонавий дунёқарашни қарор топтиришда муҳим омил бўлди. Жади́дларнинг бу борадаги фаолиятида ноширчилик алоҳида ўрин тутди. Жади́д ноширчилиги ўз даврининг илғор ғояларини оммага етказиш, илм-фан ва маданиятни тарғиб қилиш, шунингдек, исломий қадриятларни замонавий шароитда қайта талқин этиш вазифасини бажарди. Газета ва журналлар, дарсликлар ҳамда турли рисола ва асарлар жамият фикрий ҳаётини шакллантирувчи муҳим манбаларга айланди. Шу нуқтаи назардан, жади́д ноширчилиги нафақат маданий ҳодиса, балки тарихий манба сифатида ҳам катта аҳамиятга эгадир.

2.Методлар:

Тадқиқот жараёнида жади́д ноширчилиги манбаларини таҳлил қилиш учун тизимли ёндашув, тарихий-қиёсий ва манбашунослик таҳлили методларидан фойдаланилди. Олинган маълумотларни гуруҳлашда хронологик таснифлаш ҳамда усули ҳам қўлланилган ҳолда. XX асрнинг 30-йилларигача бўлган даврдаги жади́д ноширчилигига оид турли манбалар таҳлилга тортилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Манбашунослик нуқтаи назаридан жади́д нашрлари ўз даврининг ижтимоий, сиёсий ва диний қарашларини акс эттирувчи бебаҳо материалларни тақдим этади. Уларни таҳлил қилиш орқали жамиятдаги ислохотчилик ғоялари, маънавий муҳит ва аҳолининг фикрий доираси, турли ижтимоий қарашларни ўрганиш мумкин. Бироқ бу манбаларни тадқиқ этишда уларнинг ғоявий йўналиши, муаллифлик позицияси ва давр контексти каби омилларни ҳисобга олиш муҳимдир.

Умуман олганда жади́д ноширчилиги (нашриёт ва матбуот фаолияти) бўйича манбашунослик масаласи ушбу ҳаракатнинг ғоявий асосларини ўрганишда марказий ўрин тутди.

Жади́д ноширчилигини ўрганишда манбалар бир неча гуруҳга бўлинади:

1.Даврий матбуот: Бу энг бой ва бирламчи манба ҳисобланади. 1906 йилга қадар жади́длар матбуоти жорий этилмаган бўлса-да, минтақа аҳолиси айниқса, зиёлилар томонидан Россия империясида нашр этилган туркий тиллардаги "Таржимон", "Шўро", "Вақт", "Дин ва маишат" каби газета ва журналлар ва хориждан келтирилган даврий нашрлар ҳам севиб ўқилган. Кейинги даврларда ҳам Туркистон жади́длари фаолияти, хусусан, уларнинг ноширлик ишлари ҳақида кўплаб маълумотлар айнан шу хориж

матбуотида ҳам эълон қилиб борилган. Янги нашрлар, уларга тақризлар бериб борилган хориж даврий матбуоти жадид ноширчилигига оид муҳим манбалардан саналади[1, 233].

Энг асосий манба Туркистон матбуоти ҳисобланади. 20-юзйиллик биринчи чорагида чоп этилган миллий матбуот ("Тараққий", "Хуршид", "Самарақанд", "Садои Туркистон", "Садои Фарғона", "Нажот", "Кенгаш", "Зарафшон", "Ойна", "Ал-Ислоҳ" ва бошқалар) саҳифаларида ноширчилик шартномалари, ширкатлар низомлари ва мақсадлари эълон қилинган[19]. Турли нашрларга тақриз ва шарҳлар, хабарлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир янги нашр ўзининг илк сонидида албатта чоп этилишидан мақсад ва вазифалари, йўналиши, қайси мавзуларда нашрлар қилиши ҳақида ҳам маълумотларни тақдим этган. Бу каби маълумотлар жадидларнинг ноширчиликдаги фаолиятини аниқ далиллар билан тадқиқ этишга ёрдам беради. Масалан, "Садои Фарғона" газетасининг илк сонидида унинг муҳаррири ва ношири Обиджон Маҳмудов газета нашри бўйича қўйидагиларни ёзади: *"Газетани нашрдан мақсадимиз албатта тижорат эмас балки халқимизга қўлимиздан келгон қадар хизмат айтмакдир... Газетанинг моддий жиҳати албатта таъмин қилингон. ... Қалам илан миллати хизмат қилуник қанча оғир эконлигини билдигимиз ҳолда яна жасорат айтдик"*[11]. Шунингдек, О.Маҳмудов яна миллатга хизмат қилишдек яхши ишда бизни ҳар қандай қийинчилик ва оғирликлар бизни четлата олмайди деб ўз вазифасида собит туришини таъкидлаб ўтади. Унинг бу сўзлари мустамлака зулми остида фикр, сўз эркинлиги қандай катта таъқиқлар ва кучли назорат остида бўлса-да жадидларнинг ноширчилик фаолияти тўхтамагани, янги газета ва журналлар, китоб ҳамда дарсликлари катта қийинчиликлар билан чоп этилиб келинганини исботидир. Албатта бунда жадид ноширчилигининг бош хомийси сифатида аксар ҳолларда уларнинг ўзлари бўлганликлари диққатга сазовордир.

Миллий матбуотнинг деярли ҳар бирида алоҳида матбуот, янги нашрларга оид махсус рукн берилиб, уларда янги чоп этилаётган газета ва журналлардан ташқари, нашр этилган жадид дарслик, асарларига тақризлар бериб борилган. Янги нашрларга оид рекламаларнинг эса сон-саноғи йўқ, деярли ҳар бир сонда эълон қилиб борилган. Масалан, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Ойна»журналидаги мақолалари, хусусан, «Танқид — сараламоқдур» ва «Теётр надур?» каби чиқишларида ҳам матбуот ва ноширлик маданиятига оид асосий қарашларни акс эттиради. Шу билан бирга М.Бехбудий ўзи нашр этган дарслик ва асарларини мунтазам равишда "Самарқанд" газетасида таништириб борган, Туркистонда янги усул мактаби очган муаллимларга, ота-оналарга ўз китобларини тарқатиш ва ўқитишни тавсия қилиб эълон қилиб борган. Бу реклама тарзида берилган эълонларда Бехбудий ноширлигида чоп этилган адабиётларнинг қисқача мазмуни, ҳажми ва нархи кўрсатилган ҳолда сотиб олиш мумкин бўлган нашриёт, дўкон, кутубхона номлари ҳам келтириб ўтилган[15]. Биргина сонда 6 та янги дарслик ва рисоалар ("Алифбои мактаби исломия", "Мадҳал жуғрофияи эрони- мухтасар жуғрофияи русий", "Китоб ул-атфол", "Амалиёти ислом", "Мухтасари тарихи Ислом", "Мунтахаби жуғрофияи умумий") эълон қилинган.

Шунингдек, китоб савдосига таалуқли бўлган дўкон, кутубхона ва турли ноширлик ширкатлари томонидан бериб борилган янги нашрлар рўйхати Туркистон матбуотининг "Эълон", "Янги асар"[18], "Туркистонга зўр шодлиг"[12], "Туркистон кутубхонаси"[13] "Асар жадида"[7], "Ислоҳ кутубхонаси"[8] каби рукнлар остида эълон қилиб борилган. Албатта эълон тагига янги чиққан асарни сотиб олиш мумкин бўлган дўкон номи, манзили рус ва маҳаллий тилларда берилган. Масалан: *"Манзил: Эски Тошкент "Мактаб" китоб растаси ёки Тошкент шаҳри Катта Миробод кўчаси 25 уй А.Авлоний"*[12].

Бу каби матбуот саҳифаларидаги эълонлар миллий ноширликнинг ташкилий асосларини очиб беришга ёрдам беради. Хусусан, Мунавварқори Абдурашидхоновнинг "Нашри маориф" ширкати фаолиятига доир ёзувлари ва "Хуршид" газетасидаги мақолалари бунга мисол бўла олади[2].

Кейинчалик жадид матбааси, даврий нашрчилигининг ҳолатига жадидларнинг ўзлари томонидан берилган баҳо совет даврининг 20-30 йилларида давр матбуотда ҳам эълон қилиб борилган. Уларнинг энг тўнғичи А.Авлоний қаламига мансуб бўлиб[4], муаллиф унда Россия империяси мустамлакачилиги даврида Туркистонда нашр этилган миллий матбуотни юзага

келиш тарихи, уларнинг мақсад ва муддаолари ҳамда мустамлака ҳукуматнинг цензура органларини матбуотга салбий муносабати, нашрларнинг ёпиб қўйилиш сабаблари ёритилган. Авлоний нафақат матбуот тарихчиси, балки унинг фаол яратувчиси сифатида ҳам ўзи кўрган, бевосита иштирок этган гувоҳ бўлган воқеалар асосида ёзган. Шу жиҳатдан Авлонийнинг ўзбек матбуотшунослигида миллий матбуот тарихини даврлаштириш ва ўрганишга бағишланган дастлабки қимматли манба ҳисобланади. Унинг бу тарихий мақоласи кейинчалик ўзбек миллий уйғониш даври матбуотини ўрганишда муҳим таянч бўлиб хизмат қилган. Қайд этиш жоизки, миллий матбуот ёки жадиदчилик тарихига оид кўпчилик тадқиқотлар албатта унга мурожаат қилганлар.

Шу билан бирга 20-йилларда жадиद матбаачилиги, матбуоти бўйича ҳудудлар кесимида тадқиқ этилган жадиद Ҳожи Муиннинг мақоласи ҳам манбавий жиҳатдан аҳамиятлидир. Ҳожи Муин ўзи яшаган Самарқанд шаҳри мисолида у ерда чоп этилган даврий нашрлардан тортиб, мустамлака даврида ўқилган татар тилида “Таржумон”, “Вақт”, “Шўро”, Техронда чоп этилган “Тарбият” ва Ҳиндистондан келтирилган форс тилларидаги “Ҳаблул-матин” каби газета ва журналлар ҳақида маълумотлар беради. Қисқача тавсифлар билан чекланса-да, Ҳожи Муин, Туркистондаги даврий нашрлар тарихини сиёсий жараёнларга боғлаб кўрсатиб бера олган эди[22]. Мақола даврий нашрлар ҳақида жуда қисқа маълумотлар билан чекланиб, уларнинг ғоявий жиҳатлари, қайси масалаларни ёритгани ҳақида ҳулосавий таҳлиллар бермаса-да, жадид матбуотининг Самарқандга оид саҳифаси тарихини ёритишда, ношир, муҳаррирлари ҳақида қисқа статистик маълумотлар бера олиши билан ўзига хос аҳамият касб этади.

2. Архив ҳужжатлари. Яна бир жадид ноширчилигига оид манбашунослик жиҳатдан йиқкинчи йирик гуруҳи Ўзбекистон Миллий архиви ва Илмий-техникавий ва тиббий ҳужжатлар марказий давлат архив фондларида (масалан, И-1, И-3, И-17, И-461, И-47, Р-1, Р-17, Р, Р-362, 46-фондлари) сақланаётган ҳужжатлардир. Бу ҳужжатларда жадид нашриётлари, босмаҳоналар фаолиятига оид рухсатномалар, цензура ҳисоботлари ва “ширкат” ҳужжатлари сақланади. Масалан, И-1 фонди: Туркистон генерал-губернатори канцелярияси ҳужжатлари (ширкатни рўйхатга олиш бўйича ёзишмалар). Бу фондда асосан ширкатларни рўйхатга олиш, уставларини тасдиқлаш ва расмий рухсат бериш жараёнлари акс этган. Хусусан, 1908 йилда Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов ташаббуси билан тузилган, Туркистон жадидларининг илк энг йирик ноширлик ва китоб савдоси билан шуғулланувчи “Умид” ширакти (Ширкати маҳрамияи маърифия), шунингдек, “Нашриёт”, Туркистон кутубхонаси” каби ширкат ва матбуот нашрлари, уларни тузиш ва таъсисчи, иштирокчилари бўйича маълумотлар архив ҳужжатларида акс этган[21]. “Умид” ширкатини тузиш бўйича М.Абдурашидхонов ва унинг шериклари томонидан берилган аризалар, ширкатнинг низоми ва таъсисчилар рўйхати каби маълумотларни ўз ичига олади[21]. Умуман олганда архив фондларида сақланаётган ҳужжатлар ширкатлар томонидан нашр этилган ва тарқатилган китоблар рўйхати ва мустамалка ҳукуматнинг уларга нисбатан берган муносабати, таъқиб ва доимий кузатувларга сабаб бўлганлигини билиш мумкин. Халқнинг маърифий ва сиёсий онгини оширишга қаратилган турли асар ва дарсликлар, газета ва журналларга мустамлака ҳукумат доимо сиёсий ҳавф сифатида қараган. Архив ҳужжатлари ва бошқа кўплаб тарихий манбалар жадидларнинг асарларида учраган “хуррият”, “миллат”, “ватан”, “дин ва миллат озодлиги” каби тушунчалар мустамлака маъмуриятида катта шубҳа уйғотган. Табиийки, улар учун Туркистон аҳолисининг маърифатли бўлиши мутлақо тоқатсиз ҳолат эди. Шу жиҳатдан, Туркистон жадидларининг татар, турк ва бошқа кўплаб миллат зиёлилар, тараққийпарварлари билан алоқалари, асарларининг Туркистонда кенг тарқалишига доимо хушёр бўлишга ундаган. Бунга олиб келган ҳар қандай ҳаракат “панисламизм”, пантуркизм” сифатида айбланган ва гумонда бўлган матбаа, турли хорижий нашрлар доимо мустамлака ҳукуматнинг назоратида бўлган: “Бу жадидлар ўз газеталари ва китоблари орқали халқ орасида ҳукуматга нисбатан ишончсизлик уйғотмоқда... Уларнинг кутубхоналари ёшлар миясини заҳарловчи марказларга айланиб бормоқда[20]. Шу сабабдан ҳам жадид газеталари узоқ ишлай олмаган, ёпилган,

нашриёт ашёлари мусодара қилинган, унга алоқадор шахслар, миллат зиёлилари “шубхали шахслар” рўйхатиغا киргизилиб, улар ҳақида ҳар қандай маълумотлар тўпланиб, расмий маъмуриятга етказилиб турилган. Жадид мактаблари учун ишлаб чиқилган дарслик, қўлланма ва турли асарлар ҳам доимо назоратда бўлган, улар нашрига таъқиқлар, цензура ҳулосалари ҳам айнан мана архив ҳужжатларида сақланганиб қолган[19].

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, архив ҳужжатларини ўрганиш бирламчи манбалар қаторида даврий матбуот ва бошқа қўплаб манбаларга қиёслаб тадқиқ қилишда муҳим ҳисобланади. Айниқса, мустамлака ҳукуматнинг миллий матбаанинг шаклланиши, хусусий жадидлар босмахонаси ва китоблар наشري ва ҳатто савдосига бўлган муносабати ва амалий ҳаракатларини очиб беришда архив ҳужжатлари муҳим аҳамият касб этади.

3. Жадидларнинг рисола, асар ва дарсликлар ҳам айнан жадид ноширчилигининг маҳсули бўлган ҳолда бир вақтнинг ўзида мавзу манбашунослигининг асосидир. М.Бехбудий, М.Абдурашидхонов, А.Авлоний, И.Ибрат, С.Ажзий, А.Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, Ш.Раҳимий ва бошқаларнинг ўша даврда нашр этилган асарлари ноширчилик маҳсулоти сифатида ўрганилади[5]. Шунингдек, жадидларнинг барча рисола ва асарлари, мақолалари жамланган ҳолда мустақиллик йилларида тўпланиб, тадқиқотчи олимлар томонидан сўзбошилар, улар фаолиятига чизгилар берилиб, танланган асарлари нашр қилинди. Уларда берилган мақолалар, асарлар асл нусхасидан жорий имлога табдил қилинган ҳолда берилган[6]. Бу каби танланган асарлар бир вақтнинг ўзида жадидлар ноширчилигининг манбашунослик ва тарихшунослик жиҳатдан катта аҳмият касб этади.

4. Мавзунинг манбашунослигида 20-юзйиллик биринчи чорагида яшаган жадидлар, зиёлилар томонидан ёзиб қолдирилган хотиралар (мемуар асарлар) ҳам алоҳида аҳамият касб этади[3]. Хотира асарларда жадидлар ноширчилигининг турли масалаларни очиб бериш, қиёсий таҳлил этиб, ҳолис тарихни ёритишда унумли фойдаланилади. Масалан, М.Муҳаммаджонов[9] нинг хотираларида жадидларнинг маърифий фаолияти, китоб савдоси ва матбаа ишларига оид маълумотлар келтириб ўтади. М.Муҳаммаджонов ўзи жадидлар билан ҳамнафас ҳолда улар қаторида бўлгани учун ҳам ўз хотираларида жадидлар ноширчилигининг амалий фаолияти сифатида яхши очиб бера олган. Яъни муаллиф маълумотларни тизимли аниқ таҳлил билан эмас, балки ўз хотиралари, таржимаи ҳолини келтириш орқали фактологик ва кузатув характеридаги маълумотларни бериб ўтади. М.Абударшидхоновнинг “Хуршид” газетасини нашр этиш, газетага ном бериш, унинг мақсадини белгилаш ва илк сонининг босилиш жараёни тасвирлаб бера олган. Шунингдек, “Нажот” ва “Тужжор” газеталарининг нашр этилиши, бунда матбаадаги техник ҳолат, ҳарф терувчилар ва газетанинг тарқатилиш жараёнидаги қийинчиликларни баён қилади. Айниқса, Уфа шаҳридаги “Олия” мадрасаси ва у ердаги ноширчилик тажрибаси, хусусан, Туркистондан борган талабаларнинг татар ноширлари билан алоқаси ва матбуотнинг аҳамиятини англаши ҳақидаги хотиралар ҳам қимматлидир.

Ундан ташқари жадидларнинг китоб савдосини қандай ташкил қилганликлари “Умид” кутубхонаси мисолида ёритиб берилган. Хусусан, тошбосма (литография) китобларнинг сотилиши ва бу дўконнинг маърифий марказга айланиши каби масалалар ўрин олган эди. “«Шу кунларда Тошкентда “Умид” номли китоб дўкони очилди. Бу дўкон нафақат китоб сотадиган жой, балки жадидларнинг тўпланадиган масканига айланди. У ерда Қозон ва Боғчасаройдан келган янги китоблар, газеталар сотиларди. Мунавварқори ака ўзи ёзган “Адиби аввал” ва “Адиби соний” дарсликларини ҳам шу ер орқали мактабларга тарқатарди...”[10]. Умуман олганда, М.Муҳаммаджонов ўз хотираларида воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳчиси сифатида жадид миллий матбуоти, матбаасини шаклланиш тарихини ёритиб, ўша даврдаги ноширчиликнинг нақадар қийин шароитларда, лекин катта фидойилик билан амалга оширилганини кўрсатиб бера олган манбалардан биридир.

Қайд этиш жоизки, айрим манбаларларда келтирилган маълумотларга ўша давр сиёсати ва мафкуравий ҳолатидан келиб чиқиб танқидий ёндашиш мақсадга мувофиқ. Чунки уларда совет мафкураси таъсирида ёзилгани учун ҳам синфий кураш нуқтаи назаридан

ёндашилган, уламолар, динга нисбатан ўта танқидий назар, ҳамда совет даври илмий адабиётларига хос атамалар талайгина. Шу жиҳатдан бу давр асарларининг мафкуравий-ғоявий жиҳатига эмас, улардаги воқеалар, фактлар, берилган турли кўрсатма ва маълумотларгина муҳим аҳамият касб этади.

Тарихий манбалар қаторида Зиё Саиднинг "Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар" (1927) асари жаҳид матбуоти ва ноширчилигини тизимлаштирган илк библиографик манбалардан бири саналади. Муаллиф жаҳидлар даврида нашр этилган барча газета ва журналларни хронологик тартибда тизимлаштирган. Унда ҳар бир нашрнинг ношири, муҳаррири ва босмахонаси ҳақида аниқ фактик маълумотлар берилган. Муаллиф миллий матбуотни уч даврга (1905-1917, 1917-1918, 1918-1917) бўлиб тизимлаштирган[23]. Асосий урғуни 1918-1927 йиллар орасида нашр этилган матбуот нашрларига берган бўлиб, ҳар бир нашр ҳақида, бу даврдаги матбаанинг техник ишлари, даврий нашрларнинг босиб чиқариш жараёни ва унда иштирок этувчи шахслар ҳақида батафсил маълумотлар қайд этади. Бир сўз билан айтганда, жаҳид матбуоти тарихий-библиографик ёндашув усулида ёритиб берилган. Хусусан, китобда ҳар бир нашрнинг чиқиш санаси, муҳаррирлари, молиявий ҳолати ва қайси мавзуларни кўтариб чиққанлиги аниқ мисоллар келтирилган. Айниқса бу каби маълумотлар 1918 йилдан сўнг чоп этилган нашрларга тегишлидир. Бу маълумотлар жаҳид ноширчилигининг кўпроқ техник ва ташкилий жиҳатларини ҳам англашга ёрдам беради.

Умуман олганда асар 1927 йилда — совет мафкураси матбуот ва илм-фан устидан тўлиқ назорат ўрнатишга киришган, лекин ҳали нисбатан "эркинроқ" бўлган даврда ёзилган. Шу сабабли, Зиё Саиднинг ёндашувида икки тарафга ёнбосиш кузатилади. Масалан, муаллиф жаҳид матбуотини таҳлил қилар экан, ўша давр талабига биноан уларга **"миллий буржуазиянинг вакиллари"** сифатида қарайди. Жаҳид газеталарининг фаолиятини "пролетариат" (ишчилар) манфаати нуқтаи назаридан эмас, балки бойлар ва зиёлилар манфаати билан боғлаб тушунтиришга мажбур бўлган. Совет мафкураси таъсирида диний мавзудаги нисбатан анча танқидий ва эҳтиёткор ёндашган. Уларни эскилик сарқити ёки реакцион кучлар сифатида кўрсатишга ҳаракат қилган. Масалан, "Ал-Изоҳ" журналинини қуйидагича танқид қилади: "Бу журнал ўз давомида жуда кўп "бетамизлик"ларни ишлади. Янги замоннинг янги ашулаларини, янги усулларин, янги талабларини чириб битган дин фалсафалари билан ўраб олган, туманлатиб кўрсатди. Шунинг билан бирга "бойга ҳурмат" кераклигини эълон қилишни ҳам эсдан чиқармади"[24] "Ал-ислоҳ" журналинини эса "Ўзи жаҳидларнинг ўнг қаноти, қадимларнинг сўл қанотида туриб "хизмат" қилди, дея таъриф беради[23].

Шунингдек, китобнинг мантиқий якуни сифатида, жаҳид матбуоти фақат 1917 йилги инқилобга "замин тайёрловчи" босқич сифатида тақдим этилади. Яъни, ҳақиқий эркин матбуот гўёки фақат совет давридан бошланган деган ғоя илгари сурилган. Шунинг учун ҳам 1918 йилдан кейин шаклланган миллий матбуот фақат оқ бўёқларда кенгроқ кўрсатиб берилади. Шу жиҳатдан матнда революция", "реакция", "пролетариат" каби совет терминлари тез-тез ишлатилади. Бу эса табиийки, асарнинг нашр этилишини таъминлаган мажбурий "цензура" талаби эди. Шу билан бирга, Зиё Саид совет мафкураси қолипига тушишга ҳаракат қилса-да, жаҳидларнинг ноширчилик борасида қилган хизматларини, уларнинг маориф ва маданият йўлидаги фидойилигини маҳорат ва яширин меҳр билан тасвирлаган. Шу боис, китоб мафкуравий "парда"га ўралган бўлса-да, ичидаги маълумотлар, фактлар қимматлидир.

Совет даврининг дастлабки йилларида 20-30 йилларда матбаа ва ноширчилик тарихига оид ўзбек зиёлилари, жаҳидлари томонидан нашр этилган тадқиқотлар борки, улар ҳозирги кунда ҳам жаҳидларнинг ноширчилиги ва советларнинг илк йилларидаги матбаачилик ҳолатини ўрганишда бирламчи тарихий манба сифатида қадрланади. Масалан, Ҳ.Шамсийнинг тадқиқоти матбаа соҳасига бағишланган илк яхлит манба бўлиб[17], Бу асар ўзбек тилида матбаа соҳасининг техник ва тарихий ривожланишини (Хива тошбосмасидан то 1930-йиллар нашриётгача) тизимли равишда ёритиб берган илк китоблардан бири саналади.

Асарда жадидларнинг ноширлик анъаналари ва уларнинг ижтимоий мақсадлари давом эттирилганини кўриш мумкин. Китоб 1930 йилда нашр этилган бўлса-да, унда 20-юзйилликлар бошидаги миллий матбаачиликнинг шаклланиши ва ривожланиши яхши таҳлил қилинади. Хусусан, жадидлар томонидан илк хусусий босмахоналарнинг ташкил этилиши ва уларнинг техникавий жиҳозланиши ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, Тошкент ва Самарқанд каби йирик шаҳарлардаги нашриётлар фаолияти, уларда чоп этилган китоб ва газеталарнинг аҳамияти ёритилган. Муаллиф матбаачиликни нафақат техник жараён, балки халқни уйғотиш ва маърифат тарқатиш воситаси сифатида баҳолаган. Бу бевосита жадидларнинг "янги усул" мактаблари учун дарсликлар ва миллий адабиётлар нашр қилиш ҳаракатлари билан боғлиқ. Умуман олганда китобда жадидлар даврида кенг қўлланган тошбосма (литография) усулининг афзалликлари ва ўша давр ноширчилик муҳити баён этилган.

5. Яна бир жадидлар ноширчилиги оид йирик жонли манбалар тўплами бу- жадидларнинг уй-музейлари, ўлкашунослик музейларида сақланаётган турли ноширчиликка оид буюмлар, асбоблар, у ерда сақланётган турли қўлёзма ва босма асарлардир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда жадидлар хотираси ва меросига бағишланган алоҳида бир неча жадидлар уй-музеи ва мемориал музейи, бундан ташқари республиканинг барча вилоятларидаги ОТМлар қошида 14 та «Қатагон қурбонлари хотираси» музейлари фаолият олиб боради. Уларда жадидлар ҳаёти ва фаолиятини кўрсатиб берувчи турли ашёлар қаторида, уларнинг китоб ва даврий нашрларидан намуналар, маърифатчилик ва ноширчиликка оид турли экспозициялар ўрин олган. Масалан, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Ибрат музейи материаллари: Бу ерда матбаада ишлатилган асл литографик ускуналарнинг тавсифи ва ўша даврда чоп этилган нодир нусхалар жамланган. Музейнинг энг қимматли экспонати айнан И.Ибратнинг ноширчиликка оид фаолиятдан гувоҳлик берувчи тошбосма машинасидир. Бу Исҳоқхон Ибрат томонидан 1908 йилда Оренбургдан олиб келинган ва "Матбааи Исҳоқия" босмахонасида ишлатилган асл ускунадир. Машина қўл кучи билан ҳаракатлантирилган ва ўша даврда китоб ҳамда газеталарни кўп нусхада чоп этиш имконини берган. Шунингдек, Музей экспозициясидан Ибрат матбаасида чоп этилган асарларнинг асл нусхалари ўрин олган ("Луғати ситта ал-сина" (Олти тилли луғат) китобининг босма нусхалари, "Жомеъ ул-хутут" ва "Мажмуат ул-хутут" асарлари (хаттотлик ва ёзув турлари ҳақида). Ибрат томонидан ёзилган мақолалар чоп этилган "Туркистон вилоятининг газети" каби нашрларнинг тарихий сонлари ҳам сақланади. Юқоридагиларнинг барчаси жадидлар ноширчилигига оид моддий манба сифатида катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шунингдек, Тошкентда фаолият юритувчи Абдулла Авлоний уй музейининг адабий бўлимида Авлоний асос солган "Нашриёт" ширкати ва у муҳаррирлик қилган газеталарга ("Шуҳрат", "Осиё") оид материаллар, шунингдек, унинг матбаада чоп этилган илк дарсликлари ("Биринчи муаллим", "Иккинчи муаллим") ва нодир қўлёзмалари сақланади[24].

4.Хулосалар:

Жадид ноширчилиги манбашунослиги фақатгина матбаа тарихини эмас, балки миллий уйғониш даврининг мафкуравий асосларини очиб берувчи муҳим йўналишдир. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жадидлар ҳаёти ва фаолияти персонал ёки умумий ўрганилган бўлса-да, жадид ноширчилиги алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Шунга қарамадан жадидлар асарлари, даврий нашрлари манба сифатида адабиётчилар, тарихчилар, педагоглар, файласуфлар ва бошқа кўплаб тор доирадаги мутахассислар томонидан тадқиқотларга жалб қилиб келинмоқда.

Бугунги кунда жадидларнинг нодир манбаларнинг асосий қисми ЎзФА Шарқшунослик институти, Миллий кутубхона ва хотира ва уй-музейлар фондида тарқоқ ҳолда сақланмоқда. Уларни тизимли равишда каталоглаштириши ва рақамлаштириш жадидлар илмий меросини тадқиқ қилишда долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

Iqtiboslar/Сноски/References:

1. Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете “Таржуман” (1883-1917). Токио. 2011. С. 233.
2. Абдурашидов Мунавварқори. “Нашри маориф” уюшмасининг аҳамияти” // “Туркистон” газетаси. 1923 йил 4 март.
3. Абдурашидхонов Мунавварқори. Хотираларимдан (жадидчилик тарихидан лавҳалар)). Нашрга тайёловчи ва изоҳлар муаллифи С.Холбоев. Тошкент. 2001. 128 б. Ўша муаллиф. Асарлар.:илмий-тарихий, оммабоп нашр. Сўз боши муаллифи ва нашрга тайёрловчи Сирожиддин Аҳмад. Тошкент. 2019. 528 б. Xalid Said. Yeni əlifba yollarında əski xətirə və duyğularım. Bakı. 1929. 75 s.;
4. Авлоний А. “Бурунги ўзбек вақтли матбуоти тарихи” // Тонг” журнали. 1920 йил. 1-2-қўшма сони. Кейинчалик жорий имлога ўгирилиб нашр этилган. Қаранг: Абдулла Авлоний. Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи. Миллий уйғониш ва филология масалалари (Нашрга тайёрловчи Шухрат Ризаев). Тошкент. 1993. 122 б.
5. Авлоний А. Адабиёт, миллий шеърлар. Тошкент. 1905. 44 б. ФА Шарқшунослик институти фонди, инв. № 2944. (ўзбек тилида); Авлоний. Гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент. 1913. ФА Шарқшунослик фонди, инв. № 451; Авлоний А. Мухтасар тарихи анбиё ва тарихи ислом ибтидоий. Тошкент. 1913. 32 б. ФА Шарқшунослик институти фонди, инв. № 401,402. (ўзбек тилида);¹ Авлоний. Адабиёт.Тошкент. 1912. ФА Шарқшунослик фонди, инв. № 916; А.Фитрат. Мунозара. Тошкент. 1912. ФА Шарқшунослик фонди, инв. № 6053.Бехбудий М. Мунтахаби жуғрофияи умумий. Тошкент: Илин тошбосмаси, 1903. ЎзФА Шарқшунослик институти, тошбосма асарлар бўлими, инв. № 4812; Абдурашидхонов Мунавварқори. Адиби аввал. Тошкент: О. А. Порцев тошбосмаси, 1907. ЎзФА Шарқшунослик институти, тошбосма асарлар бўлими, инв. № 2154.
6. Авлоний А. Танланган асарлар.2-жилд. Сўзбоши ва нашрга тайёрловчи-Б.Қосимов. Тошкент. 2009. 237-бет. Абдурашидхонов Мунавварқори. Танланган асарлар / Тўпловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: С.Холбоев. Тошкент: Маънавият, 2003. 304 б.; Бехбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар. Икки жилдлик. 1-жилд. Тошкент: Маънавият, 2006. 280 б. ; Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар. 3-жилд: Тарих ва фалсафага оид асарлар. Тошкент: Маънавият, 2003. 274 б.
7. Асар жадида // “Самарқанд” газетаси. 1913 йил 37,41,42-сонлари.
8. Идора. “Ислоҳ” кутубхонаси// “Ал-ислоҳ” журнали. 1915 йил, 16 декабр. 23-сон. 720-бет.
9. Мўминжон Муҳаммаджонов (тахаллуси Тошқин; 1883 — Тошкент 1964) — ёзувчи, маърифатпарвар, жадидчилик ҳаракатининг намоёнчаси. Муаллифнинг эсдаликлари ва хотиралари акс этган “Турмуш уринишлари” асарида жадидчилик ҳаракати, 20-юзйиллик бошларидаги ижтимоий ҳаёт тасвирланган. Асар бир неча бор(1926, 1964,1969, 2015) нашр этилган.
10. Муҳаммаджонов М. Турмуш уринишлари. Тошкент. 1969.42-45-бетлар.
11. Обиджон. Мақсад ва маслак / “Садойи Фарғона” газетаси . 1914 йил 1-сон.
12. Туристонга зўр шодлик // “Садойи Туркистон” газетаси. 1914 йил 49-сон.
13. Туркистон китобхонаси // “Садойи Туркистон” газетаси. 1914 йил 55-сон.
14. Туркистонга зўр шодлик // “Садойи Туркистон” газетаси. 1914 йил 49-сон.
15. Усули жадид мактаблари учун босилган китоблар // Самарқанд. 1913 йил , 30 июль. № 31.
16. Ҳожи Муин.Самарқанд матбуотининг тарихи.”Зарафшон” газетаси 1923 йил 5 май; “Тонг” журнали. “Иштирокиюн” 1920 йил 16 май 4. “Қизил тикан”// “Иштирокиюн” газетаси.1920 йил 13 ноябрь; “Болалар дунёси” (журнал маориф комиссариати томонидан чиқарилган) // “Қизил Байроқ” 1921 йил 2 апрел; Ёзувчи. “Инқилоб” журнали. // “Қизил байроқ” газетаси. 1922 йил 20 феврал; “Бизнинг армуғон” // “Қизил байроқ” газетаси. 1922 йил 26 апрел; Башир З. “Ҳақиқат” мажмуаси // “Қизил байроқ” газетаси. 1922 йил 2

сентябрь; С. “Билим ўчоғи” // “Қизил байроқ” 1922 йил 6 сентябрь; Сумак авлиё. Матбуот // “Туркистон” газетаси 1923 йил 16 май; Башир З. “Нашри маориф”// “Туркистон” газетаси. 1923 йил 12 апрел; Саъдий А. “Байналминал” // “Туркистон” газетаси. 1923 йил 3 июнь.

17. Шамсий Ҳусайин. Матбачилик ҳам унинг қисқача тарихи. Тошкент-Самарқанд: Ўзнашр. 1930. 56 б.

18. Янги асарлар // “Садойи Туркистон” газетаси. 1914 йил 21-сони.

19. Ўз МА И-17-жамғарма, 31-рўйхат, 432-йиғмажилд, 12-варақ.

20. Ўз МА И-461-жамғарма, 1-рўйхат, 896-йиғмажилд, 112-115-варақлар

21. Ўз МА, И-1-жамғарма, 31-рўйхат, 432-йиғмажилд, 12-35-варақалар.

22. Ҳожи Муин. Самарқанд матбуотининг тарихи.”Зарафшон” газетаси 1923 йил 5 май.

23. Саид Зиё. Ўзбек матбуоти тарихидан // «Қизил байроқ» газетаси. – 1922 йил 14–15 октябрь сонлари.

24. <https://www.gazeta.uz/uz/2017/01/10/ibrat/> ; F.Hasanova. Ma’rifat va zamonaviylik uyg’onishiga Ibrat uy muzeyi faoliyati /XXI asrda muzeysunoslik nazariyasi va muzeylarni boshqarish amaliyotining dolzarb masalalari` mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjuman. <https://ilmiyanjumanlar.uz/archive/article/id/12818>

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000